

ТОНТЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 66 (6808)
1997 йил, 27 август, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Бу кўшиқни ўрганинг

ТУРКИСТОН БИР, ВАТАН БИР

Эркин ВОҲИДОВ шеъри,
Хайрулла ИНОГОМОВ
мусиқаси.

Қадим она бу тупроқ,
Туркистон бир, Ватан бир.
Бизга жондан азизроқ,
Туркистон бир, Ватан бир.

Ал-Беруний ёди бор,
Ясавий фарёди бор,
Қошғарий ижоди бор,
Туркистон бир, Ватан бир.

Тангри тоғ шамойили,
Жайхун, Талас ва Или.
Боболарим манзили —
Туркистон бир, Ватан бир.

Фаробий чолғусида,
Навой орузсида,
Шоҳ Бобур қайғусида,
Туркистон бир, Ватан бир.

Темур бобом туғида,
Шермухаммад руҳида,
Истиқлол шукуҳида,
Туркистон бир, Ватан бир.

Мустафо Чақий хони,
Чўлпоннинг шаҳид қони,
Қодирийнинг армони
Туркистон бир, Ватан бир.

Қадим она бу тупроқ
Туркистондир, Ватандир.
Бизга жондан азизроқ
Туркистондир, Ватандир.

Ёвлар пора қилган тап,
Ҳомталаш бўлган Ватан,
Оҳ, бўлурми қайтадан
Туркистон бир, Ватан бир.

Она ерга қулоқ тут,
Нидолар бўлмас унут,
Рухлар айтар, Она юрт
Туркистон бир, Ватан бир.



Фахр АНДИЖОНДАН ДЕҲЛИГА

Энг аввало тинчлик, хотиржамлик булсин, дейдилар дадам. Ана шу ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИК булган юрдагина байрамлар нишонланади. Яқинда мустақиллик байрамини катта тантана билан кутиб оламиз. Ҳар қандай қувончли кун дустларсиз утмайди.

Дустлар дийдорини яқинлаштириш учун истиқлол шарофати сабаб, «Ўзбекистон ҳаво йуллари»нинг «Боинг», А-300 самолётлари дуненинг турли бурчагига учиб турибди.

Яқинда яна бир қувончли хабар тарқалди. ТУ-154 ҳаво кемаси Андижон аэропортидан кутарилиб тўппа-тўғри Ҳиндистон пойтахти — Деҳлига кунди.

Яқинда газета саҳифаларида ўқиб қолдим: «Кечагина бирон-бир Шарқ мамлакатларига борадиган булсақ, самолёт Тошкентга куниб утишига қарамай, олдин Москвага борар, самолётга уша

ерда чиқар, кейин Тошкентга келар, аммо бу ерда самолётдан чиқолмас эдик. Қайтишда ҳам аҳвол шу — самолёт Тошкентга қунарди, лекин биз тушиб қололмас, албатта Москвага боришга, кейин у ердан қайтиб келишга мажбур эдик.

Курдингизми, осмонимиздан утадиган самолётга чиқиш учун Москвага бориш керак эди!..

Биз мустақил юртинг муқаддас гоёлари руҳида тарбияланаётган фарзандлар эканмиз, бу юртга соғлом, билимдон болалар керак. Чунки катталар қилаётган ишларнинг давомчилари — биз буламиз.

Беғубор осмонимиз узра эса уз самолётларимиз парвоз қилаверсин!

Муроджон ИБОДОВ,
Тошкентдаги
310-авиация-иқтисод
лицейининг
11-синф ўқувчиси.

Таътил қандай ўтяти, болалик?

Мен бу йил таътилда далага, қариндошларимизникига бордим. Улар пахта экишди. Мен ҳам уларга ёрдамладим: гуза чондим, бегона утларни териб молларга ташидим.

Пахтазор четида симеғочлар бир-бирига қул чузиб турибди. Уларнинг учида эса лайлаклар. Хас-чўшлардан ин қуриб олган лайлаклар биз



Лайлаклар тинч яшасин

ни қуриб қолишмасин деб бошларини яширишади. «Биз бу ерда йўқмиз», — дегандек гужанак булиб оли-

шади. Мен ҳам, бошқа болалар ҳам бу беозор қушларни курмадик. **ЛАЙЛАКЛАР ТИНЧ ЯШАСИН!**

СУВГА КАЛЛА ТАШЛАШ

Сиз сувга калла ташлашни биласизми? Биз ҳам билмаймиз. Урганиш учун катта ариққа бордик. Сувда балиқлар бор экан. Қул билан Алишер туртга, мен учта балиқ ушладик.

Кутилмаганда Раҳимжон бақирди:

— Мана қаранглар, қандай балиқ ушладим!

Қулида узун илон ликиллар эди. У илондан қурқмас экан. Биз тез сувдан чиқдик, бошқа сувга тушмадик. Сувга калла ташлашни янаги йилга қолдирдик.

Фарход ЙЎЛДОШЕВ,
Пскепт шаҳридаги 42-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДАГИ ҚАБУЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi доимий вакили Билл Ричардсонни қабул қилди. Шунингдек, ўлкамиз меҳмони — Жанубий Кореянинг «Самсунг электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жин ҳам Президенти-миз қабулида бўлди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш ва улар-

нинг меҳнатини рағбатлантириш, етим болаларни ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларини моддий



таъминлаш ва биринчи синф ўқувчиларини зарур ўқув қуроллари билан таъминлашда давлат ёрдамини кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

«КОКА-КОЛА» САХОВАТИ

Меҳр-мурувват кўрсатиш, хайрия ёрдами бериш борасидаги «Кока-кола» компаниясига хос бўлган саховат ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Сабаби улар куни кеча шаҳримизнинг Навой театри майдонида ўзига хос театрлаштирилган кеча ўтказишганди. Энди эса Антонина Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар учун «Тошкентленд» боғида эсда қоларли, ажойиб саховат тадбири уюштиришди. Болалар шу кунни катта таассурот, қувонч ила ўтказишди.

МЕНИНГ АКАМ ТАЛАБА БЎЛДИ

Тугриси, акамнинг куп китоб уқишларидан жуда зериккан эдим. Мени анҳорга чумилишга ҳам олиб бормай китоб уқийверишларидан жаҳлим чиқиб бақирардим. «Комилни акаси яхши куради» — дердим. Тунов куни акамнинг имтиҳонлари натижасини билиш учун мен ҳам қишлоқдан эргашиб келдим. Тошкентни олдин ҳам бир марта кургандим. Бугун эса биринчи марта Университет биносини курдим. Жуда ҳам катта экан. Бу ерда уқийдиганларга жуда ҳам хавасим келди.

Биз Университетга кириб бораётганимизда бир қизнинг йиглаб кетаётганини куриб қурқиб кетдим. Ичкарига кириб одамнинг куплигидан хангу манг булиб қолдим. Қувончдан бир-бирларини қучиб табриклаётганлар ҳам, йиглаб бинони тарк этаётганлар ҳам анчагина эди.

Бир маҳал акам мени даст кутариб, юз-кузларимдан упиб, «уқишга кирибман», — дея хурсанд булганларидан бақириб юбордилар.

Мен шу куни акамни жудаям қаттиқ яхши куриб кетдим. Ва тушундимки, акамнинг уқиганлари бекорга эмас экан... Кечқурун тоғамникига бордик. Улар ҳам роса хурсанд булишди. Акам мени Мустақиллик майдонига олиб бордилар.

Биз у ерда музқаймоқ еб утирсак, акамнинг синфдоши Алишер ака утиб қолди.



Унинг айтишича, менинг дустим Комилнинг акаси уқишга киролмабди.

Шу куни туни билан ухломмай чиқдим. Бугунги кун худди эртага мени бошимга тушаётгандай, мен ҳам Университетдан йиглаб чиқиб кетаётгандай туюлавердим.

Мана яқин кунларда мактаб қучоғига қайтамиз. Дустларим, тенгдошларимни купроқ уқишга, купроқ билим олишга чақираман. Чунки бизни ҳам бир куни имтиҳонлар синовдан утказди. Шаҳардан уйга-ота-она бағрига ёруғ юз билан боришга нима етсин.

**Комрон ИСМОИЛОВ,
Анджон вилояти,
Булоқбоши туманидаги
Ширмонбулоқ қишлоғи.**

Биз орзиқиб қутган кун — мактаб бошланишига ҳам оз қолди. Синфдошларимизни билмадим, лекин мен устозларимни жуда соғиндим. Айниқса, рус тили

муаллимамиз Ирода Мансурованинг меҳрибон чехраларию, уigitларини соғинмаслик мумкин эмас.

Бу йил оромгоҳга бормаганим учун куп вақтларимни аямнинг ишларини урганишу, купроқ китоб уқиш билан, синглим Нодиранинг бу йил мактабга чиқиши учун уни

шунақанги тез қимирлайдики, санъат асарини кузатганидек уларга боқиш мароқли эди. Баъзида мендан: «Катта булганинга ким булмоқчисан?» деб сураб қолишди. Бу саволга ҳали бирорта жавоб топганим йугу, лекин аяжоним каби гўзаллик салонида ишласаммикан, деб

ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

тайёрлаш билан утказдим. Шеър ёдлаттирдим, ҳарфларни, саноқларни ургатдим. Аям аёллар пардозхонасида ишлайдилар. Баъзи кунлари аямнинг ишхоналарига бориб соч турмаклашнинг беш-олти турини ургандим. Бу ерда ишлаётган аёлларнинг қўллари

уйлаяпман. Ахир файласуфларнинг «дунёни гўзаллик қутқаради», — деган гаплари бор-ку...

**Наргиза ОДИЛОВА,
Тошкент шаҳар, Собир
Раҳимов туманидаги
196-ўрта мактаб
ўқувчиси.**

Таътилниг сўнги кунлари



Салом редакция ходимлари! Авваллари газета ва журналларга мен тенги қизлар ҳар хил булмагур номлар ёзиб, бошларидан кечирганларини ҳикоя қилсалар, тугриси, жаҳлим чиқарди. Уз кунлига эрк берган қизларни ёмон куриб, шуларни ёзиш шартми-кан, дея уйлардим. Менинг бошимдан кечирганларимни тошга айтсам, уятдан ёрилиб кетар, деб уйлайман...

Хурматли редакция ходимлари! Менинг бошимдан кечирганларимни сизларга айтмасам, кимга айтаман? Менинг йиғиларимни тинглаганга ухшаб устимдан қулган дугона эшитмасам, ким эшитади, айтинг? Ҳозир ярим кеча. Уй эшигини ичидан қулфлаб олганман. Аввал ҳаммасини Уткирга тушунтироқчи булдим. Йўқ, барибир у мени тушунмаслигини, кечирмаслигини биламан. Ахир айтинг-чи, Уткир мени қайси гуноҳим учун кечирши керак? Менинг айбим нима? Энди уз ёғимга узим қовурилиб, нари борса исимини узгартирарман, деган умид билан йиглаб-йиглаб сизга ёзипман.

Хуллас, Гулсанам билан битта синфда уқиймиз. Бу йил 11 синфга утдик. Менинг энг яқиним ҳам шу Гулсанам! Мен онамдан, опамдан, синглимдан яширганларимни фақатгина Гулсанамга айтардим. Ахир у мени ҳаммадан кура ҳам купроқ тушунадиганга ухшарди-да...

Қулогинга гапим бор

Мен ён синфимизда уқийдиган Уткирни аввалига жуда ҳурмат қиламан деб уйлардим. Лекин кундан-кунга айниқса, у касал булиб бир ҳафта мактабга келмай қолганида тушундим, уни қаттиқ яхши кўрар эканман. Мен уни яхши кўриш баробарида жуда қаттиқ азоб чекардим. Тунларни йиғи билан утказсам, кундузлари танаффус булишини, бирров булсада нигоҳларим билан Уткирнинг қидириб топишни хаёл қилардим.

Мактабнинг энг олди — аълочи ўқувчиси булганим учун, менинг дарсни тайёрламай келаётганим ўқитувчиларим учун бир мунча ғалати туюларди. Менинг бу чекаётган азобларимдан Уткирнинг хабари йўқ. Озгина булса ҳам эътиборлироқ булишни хаёлига келтирмасди. Мен бу ҳақида ҳам Гулсанамга ёрилдим. У ҳам мени йиглаб эшитарди. Севги ҳақида китоблар қидирадиган булдим. Хуллас, Уткирнинг хаёли билан яшаётган кунларимнинг бирида... Гулсанам мактуб билан уйимизга кириб келди. Йиглаб юбордим. Қувончданми, билмадим, нимаданлигини. Уша куни дарсга бормовдим. Уткир мени излаб келибди. Ва ёзган мактубини Гулсанамга қолдириб кетибди. «Бериб қуйинг, жавобини узингиздан оламан», — дебди.

Бу дунёда мендан ҳам бахтлироқ одам бормикан?

Огир касалликдан бугун қутулган одамдек, пар каби энгил булиб қолган эдим. Яқин кунларда мени бу кайфиятда кўрмаган уйимиздагилар ҳам энгил томоқ кириб қўйганларини эшитдим. Кечаси билан ухлай олмадим. Шеър қидирдим. Мактубни нима билан бошлашни билмасдим. Хуллас мактубни ёзиб, сумкачамнинг ҳеч ким кўрмайдиган ерига яшириб қўйдим. Эртасига катта танаффус вақтини пойладим. Гулсанам мактуб ҳақида бир икки марта суради. Негадир Гулсанамга эмас, Уткирни узига бергим келди, мактубни. Деразамиздан спорт майдончаси кўриниб турарди. Уткирларда жисмоний тарбия дарси экан. Футбол уйнаганларини куриб турдим. Ҳар замонда Гулсанам мени туртиб қўярди. Уларнинг дарси озгина эртароқ тугагини билардим. Чунки ўқитувчи ўқувчиларни кийиниб олишлари учун вақт берарди. Ўқитувчидан рухсат олиб ташқарига чиқдим. Мактуб қулимда. Кузим майдончадан туп-туп булиб келаётган болаларда. Уларнинг ичида Уткир кўринмади. У бир узи орқароқда келарди. Назаримда у мени кутиб шундай қилаётгандек эди. У менга яқин қолганда салом бериб мактубни узатдим. У «Бу нима?» деди. Тугриси, саволдан уялиб кетдим. Йиглаб юборишимга оз қолди. Уткирнинг юзлари бу хатдан батамом беҳабар эканлигини курсатиб турарди. Мактуб Уткирнинг қулида қолди. Йиглаб мактабнинг эшиги томон югуриб кетдим. Шундан кейин бир ҳафтача касал булиб ётдим. Энди Уткирнинг кузига қандай қараш ҳақида уйлардим. Гулсанам кечирим сураб келди. У мени овутиш учун мактубни узи ёзган экан. Айтинг-чи, газетхонлар, мен Гулсанамни кечира олармиканман?

**Нозима МАТҚУРБОНОВА,
Нукус шаҳри.**

ИСМИМНИ ЎЗГАРТИРИБ СИЗГА ХАТ ЁЗДИМ

СЕВГИ ҲАҚИДА КИТОБ ҚИДИРАДИГАН БЎЛДИМ

ГУЛСАНАМНИ КЕЧИРА ОЛАРМИКАНМАН?

Зомин табиати узининг такрорланмаслиги билан бугун мамлакатимизда донг таратган. Ана шундан булса керак, туман худудиди Сирдарё ва Жиззах вилоятлари шаҳар ва туманларининг 12 та уқувчилар оромгоҳи жойлашган. Шундай болалар оромгоҳларидан бири Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли милиция генерал-майори Ёрулла Норбеков номли болалар оромгоҳи саналади.

Оромгоҳ бошлиғи Раҳматилла ака Қурбонбосов бизга

сурмонов бошчилигида спорт ишқибозлари билан гавжум эди. Маълум бўлишича, икки вилоят оромгоҳлари уртасида футбол мусобақаси ниҳоясига етаётган экан.

Гуруҳлар уртасида яқинда булиб утган сузиш буйича мусобақада Воҳид Умаров ҳамда Азиз Умаровлар фахрий уринларни эгаллашиб, совриндор бўлишибди.

«Балли, қизлар!» мусобақасида Оля Жуманова голиб келган булса, «Балли йигитлар!» баҳсида Жаҳонгир Ориповнинг қўли баланд келиб

малар бирма-бир утди.

Минг афсус, шундай эмас. Биргина мисол: Ш.Рашидов туманига қарашли «Навруз» болалар оромгоҳи ҳам Зомин тоғ ёнбағирларида жойлашган. Мазкур оромгоҳ қатор йиллардан буён маблағ етишмаслиги баҳонасида икки босқичда амал-тақал ишлаб келмоқда. Бу йилдаги мавсумда ҳам болалар оромгоҳи икки босқичда ишлаб, 27 июль кунидан бошлаб дарвозага каттақон қулф осиб қўйилди. Баҳона битта: маблағ йўқ. Ун минг-

шевнинг таъкидлашича, туман хўжаликлари биргина йўлланма бадали ҳисобидан 200 минг сумлик қарздор бўлиб қолган. Зоминдаги электр тармоқлари идорасидан энергия учун туланмаган қарз 255 минг сумни ташкил қилади.

Зомин туман халқ таълими бўлими балансида олинган А.Темур номли болалар оромгоҳидаги аҳвол ҳам кишини қаноатлантирмайди. Наридея қилиб таъмирдан чиқарилган мазкур оромгоҳда айни вақтда туман маблағи етишмаётганлиги туфайли Жиззахдаги аккумулятор заводи ишчи-хизматчиларининг 40 нафар уғил-қизлари дам олишмаяпти.

Утган икки босқичда зоминлик болалардан 215 нафари ташқи оромгоҳларда дам олишди. Тумандаги мавжуд 72та мактабнинг 26 минг 350 нафар уқувчисидан шунчалик кам қисми оромгоҳларда булишини қандай тушуниш керак?

Қачонлардир зоминлик ёшларнинг Юность-Ёшлик деб номланган машҳур оромгоҳи буларди. Унга ҳамма ҳавас билан қарарди. Нима булди-ю, мазкур оромгоҳ бир думалаб маҳаллий банк идораси ихтиёрига утиб қолди. Шунга ҳам турт йил булаяпти. Юность-Ёшликнинг бугунги аҳволини куриб қоят ачиндик. Қоровул Нурия опа Асфандиярованинг таъкидлашича, бугунга келиб жами учта павильондан биттасигина сақланиб қол-

ган. Ташландиқ булгани учун иккитаси нураб йўқолиб кетди. Қолган биттаси ҳам хароба ҳолда. Оромгоҳга мослаштириб қурилган ҳайҳотдек бинолар фойдаланилмай қаровсиз ётибди. Туман раҳбарларининг бизга айтишларича, Юность-Ёшликни яна зоминлик болаларга қайтариш юзасидан тегишли идоралар билан узаро музокаралар қилинаёпти. Ажабмас, бу хайрли ишлар амалга ошириб, Юность-Ёшлик уз бағрига ёшларни чорлаб қолса.


Бир суз билан айтганда, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги болалар дам олишлари мутасадди уртоқлар йил бошиданоқ тегишли тadbирлар белгилашди, чоралар куришди, бироқ, натижа аксарият ҳолларда Сизга ҳикоя қилганимиздек... Бизнингча, осмондаги ойни узиб олиш-



дек тadbирларни эмас, ҳақиқатда амалга оширса буладиган ишлар режаси қўзланганида мақсадга мувофиқ буларди.

Абдуманноп АЗИМОВ.

Икки Хил Манзара



ҳамкорлик қилди. Болаларнинг ҳордиқ масканида 60 нафар уқувчи учинчи босқични сўлим табиат кучоғида утказаятган экан.

Алоҳида «Маънавият хонаси» киши диққатини тортмай қолмайди. Бу марказ уқувчилар билан ҳаммаша гавжум.

Оромгоҳга етиб келганимизда муъжазгина спорт майдони жисмоний тарбия буйича раҳбар Бердиёр Му-

ди.

«Қизлар иззатда, уғил болалар хизматда», «Яланг оёқлилар кунни», «Денгиз походи кунни», «Поход кунни», «Тескари кун», «Қароқчилар кунни» каби тadbирлар болалар кунглини кутарибгина қолмай, уларни тарбиялашга ҳам хизмат қилаёпти, Кунглимиздан, қани эди, ҳамма болалар оромгоҳлари ҳам шу каби меҳр ва муҳаббат қуршовида булса, деган кечин-

га яқин бола мактабларида уқийдиган туманнинг 316 нафарини ушбу оромгоҳ бағрига ололди, холос. Тумандаги айрим хўжаликлар худудиди мактаблардан бирорта ҳам уқувчи ҳордиқ масканига қадамлари етмади. Масалан, Ҳ.Олимжон номли хўжалиқдан бирорта уқувчи мазкур оромгоҳда булмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

«Навруз» болалар оромгоҳи бошлиғи Зокиржон Ирга-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «МАРИЯ ЛОПЕСИ»

Бугунги кунда пойтахтимиз мактабларини тугатган қизларига «Энди қарга борасан?» деб савол беришса, уларнинг купчилиги «Машҳура»га дея жавоб беришади. Улар бичиш-тиқиш, пазандалик, ёки инглиз тилини урганмоқчи булган қизлардир. Хуш, «Машҳура» узи нима? Бундан икки-уч йил муқаддам Тошкентнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи оддий тикувчи Машҳура Юсупова кичик фирма очган эди. Иш тобора ривожланиб, катта фирма барпо булди. Бугунда «Машҳура» фирмаси, нафақат пойтахтимизда балки республикамизда ҳам машҳур. Бу фирмада ҳозирда аёллар билан бир қаторда уқувчи қизлар ҳам тикувчилик, пазандалик, сирларини урганишмоқда. Улар тайёрлаган маҳсулотлар курик-танлов кургасмасига ҳам қўйилди. Бугунги кунда Машҳура Юсупова-

ИЖОДКОРЛИК — ОНАЛАРГА ХОС!

Мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида юртимиз бўйлаб турли курик-танловлар, беллашувлар, мусобақалар, викториналар бўлиб ўтмоқда. Яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Исломобод маданият марказида «Маҳалланинг намунали тadbиркор аёли» номли республика курик танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилган худди шундай курик-танловларда голиб бўлган тadbиркор аёллар қатнашдилар.

Курик-танловда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Шужур Темуров сўзга чиқиб бугунги кунда тadbиркорлик билан хотин-қизларимиз ҳам фаол шуғуллана бошлагани, бу албатта республикамиз иқтисодий тараққиётига юксак ҳисса қўишини таъкидлади. Шунингдек у ушбу курик-танловга Саудия Арабистонидан келган меҳмонлар: Абдулазиз Тошкандий ва Муҳаммад Наим Тошкандийларни таништирди. Улар она юрлари бўлмиш Ўзбекистонда тadbиркорлик қай даражада ривожланганига жуда қизиқишар экан.

ни ўзбекнинг «Мария Лопеси» дейишади.

ГИЖДУВОНДАН ЧИҚҚАН ТАДБИРКОР

Бухоронинг Гиждувон туманида Муътабар Жабборова оддий, барча қаторидаги бир аёл эди. Эрталаб ишга борарди, кеч қайтарди. Лекин негадир, ишдан қониқавермас, юрагида унга нимадир тинчлик бермасди. Юртимиз мустақилликка эришгач, тadbиркорлик, ишбилармонлик, бизнес каби сузлар пайдо булгач, Муътабар опа дилида қандайдир очилиш юз берганини сезгандай булди. Маҳалла-

сидаги уч-тўртта аёлни уйига йигиб, уларга бешик асбоб-анжомларини йиғишни ургата бошлади. Бу аёллар сони купая борди. Қарабсизки, тез орада «Хуршида» фирмаси пайдо булди. Ҳеч ким Муътабар опадан фирма раҳбари чиқади, деб уйламаган эди. Опага уз вақтида тинчлик бермаган туйғу қонида жушурган тadbиркорлик фазилати булган булса ажабмас.

ОТА МЕРОС КАСБ

Исломобод маданият марказига кираверишда чап томонга қараб одамларнинг гавжумлигини курдик. Тепасига «Чевар» ишлаб чиқариш

фирмаси маҳсулотлари, деб ёзиб қўйилган ёрлиқ остида бир-бирдан чиройли тортлар, турли хил пишириқлар, ширмой нонлар тизиб қўйилган. Сал нарида эса миллий услубда тикилган бежирим либослар, хусусан, тун, қийиқча, яхтак, куйлаклар кузни уйнатгудай қилиб терилган. Фирма раҳбари Рисликхон опа Журасевани қидира-қидира зурга топдик. У киши бир тadbиркор аёл билан уз тажрибаларини уртолашаётган эканлар. Бизни куриб муҳбир эканлигимизни сездилар шекилли, ҳозир деб қўйдилар аста.

— Тadbиркорлик, менга ота мерос касб, — дедилар Рис-

ликхон опа биз билан суҳбатда. — Шунга кура бу ишга қўл урганман. Зеро, ота дуосини олганлар фақат униб-усади.

ЯКУН

Курик-танлов якунланди. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кура Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги «Машҳура» фирмаси директори Машҳура Юсупова биринчи уринга лойиқ деб топилди. Иккинчи уринга учта номзод курсатилган булиб, уларни Қибрай туманидаги «Зебунисо» номли маҳаллада ташкил этилган «Машҳура» фирмаси, Бухоро вилояти Гиждувон туманидан «Хуршида» фирмаси раҳбари Муътабар Жабборова ҳамда Наманган вилояти, Уйчи туманидаги «Чевар» фирмаси директори Рисликхон Журасева эгаллашди.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

ТОШЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Қадрли болалар! Сиз ноёб тошлар ҳақида жуда кўп эшитгансиз, уларни кўргансиз. Лекин ҳаммангиз ҳам уларнинг саломатлигимизга, руҳиятимизга кўрсатадиган турлича таъсирлари ҳақида билмасангиз керак. Биз юқоридаги руқн остида ана шу жавахирот дунёсининг — тошлар оламининг ҳали сизга номаълум бўлган сирларини очишга ҳаракат қиламиз.

ЁҚУТ

Қадимда подшоҳлар тожини, маликаларнинг зебу зийнати бугунги кундаги тилла узук, тилла зиракларнинг кузларини беаган бу қимматбаҳо тошларни том маънода кучқувват тоши деб аташ мумкин. Ривоят қилишларича кимнинг чунтагида, ёнида, бармоғи ёки қулоғида ёқут бўлса доимо икки юзи, ёноқлари қип-қизил бўлган. Ҳатто қақраган жазирама чулда ҳам заррача бўлсин чанқаман. Чунки бу тош қонни тоза, белни бақувват ва кучни ниҳоятда зиёда қилган. Ёқут ёруғликка ниҳоятда сезгир бўлиб, ҳатто милтиллаган бир дона чуғ ҳам унинг қирраларида акс этган. Бир эслаб кўринг-а болалар, машҳур «Минг бир кеча» эртақларида, қадимий достон, ривоятларда йул йўқотган баҳодирларга, шаҳзодаларга фақат ёқут тоши ёрдамга келган. Ёнида ёқут олиб юрган одам етти қават ер тагига ташланганда ҳам шу тош хосиятидан йулини топиб, ер юзига чиқа олган. Ёқути бор одамни ит ҳам қопмаган. Шунинг учун утмишда ҳар бир шохнинг саройида албатта, бебаҳо ёқут бўлган ва уни шохлар доимо белларига боғлаб юришган. Боболаримиз ҳам анойи бўлишмаган-да.

ЗУМРАД

Ноёб тошлар ичида алоҳида ажралиб турадиган тош — зумраддир. Чунки зумрад ниҳоятда чиройли, жозибали бўлишдан ташқари юракка жу-

Эмишки, бу тошни йўқотган одамдан омад, бахт, зафар юз угираркан. Айтишларига қараганда Эрон шохларидан бирининг тушида тожидаги феруза йўқолиб қолади. Дунёни остин-устун қилиб изласа ҳам



да катта қувват беради ва асаб системаси фаолиятини мустаҳкамлайди. Ёнида бу тошни олиб юрган одам ҳеч қачон беҳудага асабийлашмайди ва ақлдан озмайди.

ФЕРУЗА

Мовий осмон рангида товланувчи бу ажойиб тошни боболаримиз бахт тоши, омад келтирувчи, зафарларга элгуччи тош деб аташган. Қадимда утган шохлар эса уни салтанат тоши деб қадрлашган. Бу бежиз эмас, албатта. Қадимда жанга отланган подшоҳлар албатта узлари билан бирга шу муъжизакор тошни олганлар, чунки феруза юракка қатъият ва шиддат, кўнгилга эса доимо журъат ва ботирлик ҳиссини солиб турган. Соддароқ қилиб айтганда феруза ҳаминша зафар келтирган.

уни тополмайди. Ва эрталаб уйқудан уйғониши билан юртига душманлар бостириб кирганини эшитади ва кўп утмай душман қўшинлари шох саройига бостириб кириб уни қатл этишади.

Агар кайфиятингиз аъло, кўнглингиз хотиржам, ишларингиз жойида бўлса буйнингиздаги тош ярқираб, тиник тортиб туради. Агар акси бўлса-чи, сизнинг ферузангиз хира тортиб қирланиб, дағал бўлиб туради.

МАРВАРИД

Ҳаммангиз севиб тақадиган, бир-бирингизга совға қиладиган бу тош эса гузаллик ва нафосат тошидир. Денгиз чиганоқларидан олинган бу

Таътил — тафаккурни кенгайтириш ойнаси

ди. Биебонда яшнаб турган ямийил баргли бу бута чой усимлиги эди. «Ча-ийе» — яшил барг овозаси саройга етиб боради. Ҳоқон собиқ канизакни саройга келтиришни буюради. Келган аёлни соғлом, тетик кўриниши ва тиник юзларига қараб таажубланади.

— Менинг табибларимга уша

тош қадим момоларимизнинг асосий безаклари ва тақинчоқлари бўлган. Унинг шакли сал катгароғини дур ҳам деб аташган. Подшоҳлар тожини, камзулларини, салласини беаган. Бибихонимларнинг, Нодира-Зебунисоларнинг нозик буйнилари янада гузал қилиб курсатган. Бу тош бизга момолардан қолган нафис меросдир. Буйнида доимо марварид ёки дури бор одам ҳеч қачон буқоқ ва юрак касалига учрамайди.

гарнинг якка-ю ягона меросхури, арзанда угли булган экан. 16 ёшга тулгандан кейин, бола улгайиб мушаклари бақувват бўлиш урнига кундан-кун ранги сарғайиб, кечки куз япроғидек сула бошлабди. Саросимага тушган ота она болани табибга олиб боришади. Табиб эса болани кўраркан, бош чайқаб, энди фурсат утибди, андак кеч қолиб-сизлар, жигар хасталиги чуқурлашган, дебди. Буни эшитган ота-онанинг бошларига гам тоғи ағдарилади. Ота-онанинг бу оғир аҳволини кўрган бола уйини тарк этиб, узоқдаги тоғлар бағрига кетади. Унга меҳрибон ота-онанини чекаётган изтиробларини кўриш, зорларига чидаш осон бўлмайди. Шунда у уз улимини осонлаштириш мақсадида тоғдаги ясси ва сарғиш дўнглик устида узини у ёққа бу ёққа уриб фарёд чекади. Азбаройи чанқанидан у сарғиш тошларни ялай бошлайди. Буни қарангки, шунда муъжиза руй беради. Боланинг аҳволи кундан-кун яхшилаб, 15 кун деганда тузалиб кетади. Соғайганига ишонч ҳосил қилгач, уйига, ота-онаси олдига қайтиб боради. Шу-шу ким жигар хасталиги ва сарик касалига дучор бўладиган бўлса шу тепаликдаги тошга олиб келишади. Тошларни ялатишади. Кейинчалик эса шу тошларни яхлит-яхлит кучириб кетишади. Замонлар утиб, илм-фан ривожлангач, бу шифо тепалигини текшириб кўрган олимлар бу ер қаҳрабони эканлигини аниқлашади.

Ана шунақа азиз болалар! Табиат, атрофимизни ураб турган олам муъжизаларга бой. Фақат бу муъжизаларни англаш ва илгаш учун бизнинг теран фикр доирамиз ва тийрак нигоҳимиз етмайди, холос.

ҚАҲРАБО

Йирикроқ ва сарик заъфарон тусли бу тошнинг жигар учун қанчалик фойда эканлигини ҳали кўпчилик катталар ҳам билмаса керак. Аслини олганда ҳатто тиббиётдаги дори-дармон ҳам жигар касаллигини даволашда қаҳрабонинг олдига тушолмайди. Ҳозиргача ҳам айрим жойларда сарик касалига учраган беморларни маҳаллий табиблар қаҳрабо билан даволашади. Яъни қаҳрабомунчоқ ёки тошни яхшилаб қайнатиб тиндириб қуйилади ва беморга ичирилади. Қарабсизки, кеча оғрик азобидан инграётган беморнинг ранги бугун ёқутнинг рангидек товланиб, жони ором олади. Сузимизнинг исботи тариқасида яна мозийга мурожаат қилиб, қадимда утган бир ривоятни келтирамиз. Балх вилоятида бир бой савдо-

Чой туғрисида ёзилган китобларда бу ичимликни ичишни одамлар 3500 йил муқаддам кашф этганлар дейилади. У дастлаб Хитойда кашф этилган. Унинг номи ҳам Хитойча «ча-ийе», икки сўздан келиб чиққан бўлиб «яшил барг» де-

ган маънони англатади.

Чойнинг кашф қилиниши туғрисида анчагина ривоятлар бор. Шулардан ҳақиқатга яқинроғи мана буниси.

Бундан уттиз беш аср муқаддам утган Хитой ҳоқонининг канизакларидан бири кечирилмас гуноҳ қилиб қўяди. Шунинг учун у аёлни бир неча кунлик озик-овқатлар билан кимсасиз биебонга ҳайдаб юбордилар. У тоғ енига келганида ейишга овқати, ичишга суви қолмаган эди. Яшайдан умидини

ЧОЙ ТАРИХИ

узиб, бир бута тагига келиб етади. У мажолсиз қўлларини бутанинг яшил баргларига узатади.

Ҳеч бўлмаса, ташналикни қондирар-ку, деган умидда уни чайнай бошлайди. Маълум фурсатдан сўнг аёл узини бардам ҳис қила бошлайди, тетиклашиб урнидан туради. Барглардан анчагина юлиб олиб келган йулидан орқага қайтади. Шаҳарга келиб унинг улимдан асраб қолган ана шу муъжизакор усимлик туғрисида сузлаб бера-

гиёҳни курсат, гуноҳингдан утдим, — дейди. Табиблар уша усимликни қидириб топдилар, унинг хусусиятларини урганиб уни экиб кўпайтиришга киришдилар.

Аваллига чой доривор усимлик сифатида қўлланилган, экин майдонлари кенгайгач, кейинчалик у кундалик ичимликка айланган.

Чой устириш Хитойдан Япониягача ва Ҳинди — Хитой мамлакатларига тарқайди. Ривоят



қилишларича, чой Ҳиндистонда ҳам қарийб 3500 йилдан бери маълум экан. Эрамининг IV асрида Будда динининг раҳнамолари беморларга чой дамлаб ичишни тавсия қилганликлари туғрисида маълумотлар бор.

Чой Ўзбекистонга дастлаб XIII асрда мугуллар истилоси даврида келтирилган. Чой келтириб сотиш онда-сонда, мавсумий характерга эга бўлиб у ҳам бўлса жуда соддагина усулда амалга оширилган.

Чунончи, чойни қошларга сомон сингари солиб от ва туй-

ларга ортиб олиб келинар, натижада чой узоқ йўлдаги ҳар хил усимликларнинг, шўрхоқ чулларнинг қўланса ҳидларининг узига сингдириб олиб айнаиб қолар эди. У вақтларда чойни узга ҳидни узига тортмаслиги учун кўрғошин қоғозларга ураб, яшикларга солиб ташиш йўқ эди. Кейинчалик чой баргини сизир қаймоғи ва ҳукиз қонига аралаштириб тахта орасига олиб пресслаш (тахта чой) усули келиб чиққан, уни узоқ мамлакатларга элтиш қулай бўлган.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон КИРҒИЗБОВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0520. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошпириш вақти 19.00. Тошпирилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир Х.Аҳмедова

• Рўйхатдан утиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Гошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон: 1-33-44-25

